

Бошқа тузумларда илм ўз эгасининг мулки ҳисобланади

16:18 / 27.04.2016 3565

Бошқа тузумларда илм ўз эгасининг мулки ҳисобланади. Олим одам нимани хоҳласа, шуни қилади. Хоҳласа, бировга ўргатади, хоҳламаса ўргатмайди. Исломда эса илм олимнинг эмас, балки ўша олим яшаётган жамиятнинг мулки ҳисобланади. Олим эса, уни ўзида омонат сақлаб турадиган одам. Жамият қачон муҳтож бўлиб қолса, олим ўша омонатдаги илмдан бериши лозим. Бермаса хиёнат қилган бўлади. Бу дунёда қутулиб кетса ҳам охиратда, албатта жазосини олади. 2-жавоб

Албатта биз ҳозир шоҳид бўлиб турган ноқулай ҳолатга ўхшаш ҳолатлар олимларни йўқлигидан келиб чиқади. Олимларнинг йўқлиги эса аввалги етук кишиларни ўтиб кетишлари билан бу оламдан риҳлат қилишлари билан ва уларнинг орқасидан етук кишиларни тарбиялаб етишмаслик оқибатида келиб чиқади. Ана шунда кўпгина келишмовчиликлар чиқишини Пайғамбаримиз (с.а.в.) нинг ўзлари ҳам таъкидлаб айтганлар. Мана у зот баракотнинг суҳбутларига сиз азизларни тақлиф қиламиз. Пайғамбаримиз (с.а.в.) Абдуллоҳ ибн Амр (р.а.) ривоят қилган ҳадиси шарифда шундай дейдилар, яъни Абдуллоҳ ибн Амр (р.а.) ривоят қилган ҳадиси шарифда, Пайғамбаримиз (с.а.в.) " албатта Аллоҳ илмни одамлардан бир суғуриш ила суғуриб олмайди, лекин уламоларнинг жонини қавс қилиш ила чангаллаб олади токи олим қолмаганда одамлар жоҳил бошлиқларни тутадилар, бас ўшаларда сўралади, улар эса илмсиз равишда фатво берадилар, шу билан ўзлари ҳам залолатга кетадилар, ўзгаларни ҳам залолатга кетказадилар" дедилар. Бу икки улуғ шайх яъни имом Бухорий ва имом Муслимлар ҳамда имом Термизий ривоят қилган эканлар. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ушуб ҳадиси шарифларида шаръий илмни қай тарзда йўқолиб бориши ва унинг оқибатлари қандай бўлиши ҳақида баёнот бермоқдалар. У киши сўзларининг бошида "албатта Аллоҳ илмни одамлардан бир суғуриш ила суғуриб олмайди" демоқдалар. Яъни "шаръий илм ҳозир одамлар ичида мавжуд, у бир вақт келиб йўқ бўлади, йўқ бўлиши илмни ўзини одамлар ичидан алоҳида бир турли суғуриш ила суғуриб олиш билан бўлмайди, лекин илмни уламоларнинг жонини қавс қилиш ила чангаллаб олади" дейдилар. Яъни Аллоҳ таоло аста-секин бирин-кетин уламоларни вафот эттириб бораверади. Уларни бирин-кетин ўлиб тугаб борверишлари эса ўрниларига янги олимлар чиқмаслиги илм

ҳам йўқолиб боришига сабаб бўлади. Натижада илм йўқ бўлади, бу эса ўз навбатида аянчли оқибатга олиб келади. Токи олим қолмаганда одамлар жоҳил бошлиқларни тутадилар, олимлар бирин-кетин ўлиб-ўлиб тугайдилар. Одамлар бошлиқсиз қоладилар, ана ўшанда одамлар илмсиз, шариатдан ҳабарлари йўқ кишиларни ўзларига бошлиқ қилиб оладилар. Бас ўшалардан сўралади, яъни ўша жоҳил бошлиқлардан одамлар томонидан турли нарсаларда тушунтириш ва фатволар сўралади. Улар эса илмсиз равишда фатво берадилар, бу жуда ҳам хатарли ҳолат. Илмсиз жоҳил одам мусуомонларга фатво бериши низоятда қаттиқ ва аянчли оқибатларга олиб келиши бу турган гапдир. Мусулмонлар ҳаётида доимо янги масалалар, турли саволлар пайдо бўлиб туради. Улар бу масалаларни ўз имомларидан муллаларидан олимларидан сўрайдилар. Жоҳил олим ёки жоҳил мулла, бошлиқ эса бу масалани "мен ечаолмайман" дея олмайди. Бунга уни бўйни ёр бермайди, инсоф билан илмсиз, жоҳил эканини тан олишга жасорат етмайди. "Билмайман десам ёғлиқ жойдан ажраб қоламан" деб дунёнинг ташвишини қилади. Модомики одамлар мени бошлиқ деб, мулла деб, билими етарли деб мендан фатво сўрашяптими, демак мен бошлиқман, мен биламан деб ҳаёлига келган гапни гапираверади. Натжида шу билан ўзлари ҳам залолатга кетадилар, ўзгаларни ҳам залолатга кетказадилар.